

ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАРДА ИҚТИСОДИЙ НИЗОЛАРНИ МЕДИАЦИЯ ТАРТИБИДА ҲАЛ ЭТИШ

Ахмедов Миржалол Ахмедович

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг магистранти

телеграм манзили [@axmedovich91](https://t.me/axmedovich91)

телефон +99890 952-22-77

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10440708>

Аннотация. Ушибу мақолада иқтисодий низоларни медиация тартибида ҳал этиши бўйича хорижий мамлакатлар тажрибаси таҳтил қилинади ва миллий қонунчилик билан солиштирилади ҳамда медиацияни ривожлантириши ва кенг қўлланилиши учун миллий қонунчиликни тақомиллаштириши бўйича таклифлар берилади.

Калим сўзлар: медиация, медиатор, медиатив келишув.

RESOLUTION OF ECONOMIC DISPUTES IN FOREIGN COUNTRIES IN THE ORDER OF MEDIATION

Abstract. This article analyzes the experience of foreign countries in resolving economic disputes in mediation procedures and compares them with national legislation, and offers proposals for improving national legislation for the development and widespread use of mediation.

Keywords: mediation, mediator, mediative agreement.

РАЗРЕШЕНИЕ ЭКОНОМИЧЕСКИХ СПОРОВ В ИНОСТРАННЫХ ГОСУДАРСТВАХ В ПОРЯДКЕ ПОСРЕДНИЧЕСТВА

Аннотация. В данной статье анализируется и сопоставляется с национальным законодательством опыт зарубежных стран по разрешению экономических споров в порядке медиации, а также даются предложения по совершенствованию национального законодательства для развития и широкого применения медиации.

Ключевые слова: посредничество, посредник, посредническое соглашение.

Бугунги кунда ривожланган хорижий давлатлар ҳуқуқ тизимида низони судгача олиб бормасдан, муқобил усууллар ёрдамида ҳал этиш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Шундай усууллардан бири бу – медиация институти.

Медиация низоларни муқобил ҳал этиш усули бўлиб, низони учинчи бетараф тараф – медиатор ёрдамида ҳал этиш тушунилади, бунда медиатор низо бўйича қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга эмас. Медиация “ютиш-ютиш” тамойилига асосланган бўлиб, низони ҳал этишда тарафларнинг манфаатларини эътиборга олган ҳолда икки тараф учун ҳам мақбул бўлган келишувга эришиш асосий мақсад ҳисобланади.¹

Медиация иқтисодий низоларни ҳал этишда нафақат низолашётган тарафлар учун ҳар томонлама фойдали бўлибгина қолмай балки судларда ишлар ҳажмининг камайишида ҳам муҳим омил саналади.

Мамлакатимизда медиация янги ташкил этилган институтлардан бири бўлиб, унинг фаолияти 2019 йил 1 январдан бошлаб йўлга қўйилди.

¹ Ш.М. Масадиков. “Ўзбекистон Республикасининг “Медиация тўғрисида”ги Қонунига шарх”. Тошкент – 2023. Б. 10. https://www.researchgate.net/publication/376753381_Commentary_to_Mediation_Law_of_Uzbekistan.

Шу давр оралиғида низолар медиация тартибіда ҳал қилиб келинаётган бўлса-да, ҳозирги кунда унинг қўлланилишини етарли даражада деб бўлмайди.

Статистик рақамларга карайдиган бўлсак, 2020 йилда даъво тартибіда кўриб тамомланган 92 527 та ишдан 435 таси ёки 0,5 фоизи, 2021 йилда 117 349 та ишдан 2 013 таси ёки 1,7 фоизи, 2022 йилда 113 359 та ишдан 3 561 таси ёки 3,1 фоизи медиатив келишув тузиш йўли билан туттилган.

Бундан кўриш мумкинки, иқтисодий низоларни ҳал этишда медиацияни кенг қўллаш ва ушбу институтни янада такомиллаштириш зарурияти мавжуд.

Бунинг учун ушбу институтнинг фаолиятида юзага келаётган муаммоларни аниқлаш, хорижий давлатларнинг илғор тажрибаларини ўрганиш ва натижалари бўйича қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан таклифлар тайёрлаш лозим.

Шу ўринда биз иқтисодий низоларни медиация тартибіда ҳал этишда айрим хорижий давлатларнинг қонунчилигини кўриб чиқсан.

Низоларни судгача ҳал қилиш институти Европага англо-америка ҳукуқ тизими давлатларидан келган бўлса ҳам, охирги йилларда ушбу институт Европа давлатлари қонунчилигига кенг қўлланиб келинмоқда.

Франция Республикасида медиациянинг қўлланилишига ҳукуқий асос 1995 йил 8 февралдаги 95-125-сон қонун ҳисобланади. Мазкур Қонуннинг 21-моддасида “**суд процессининг исталган босқичида томонларнинг розилиги билан келишувга эришиш учун учинчи шахсни медиатор сифатида тайинлайди**” деб қайд этилган.²

Мазкур норма миллий қонунчилигимизда қўйидагича белгиланган. Ўзбекистон Республикасининг “Медиация тўғрисида”ги Қонуннинг 15-моддасига кўра, “Медиация суддан ташқари тартибда, низони суд тартибда кўриш жараёнида, суд ҳужжатини қабул қилиш учун суд алоҳида хонага (маслаҳатхонага) киргунига қадар, шунингдек суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш жараёнида қўлланилиши мумкин”.

Франция қонунчилигига медиацияни суд процессининг исталган босқичида қўлланилиши мумкинлиги қоидаси миллий қонунчилигимиздаги медиацияни суд ҳужжатини қабул қилиш учун суд алоҳида хонага (маслаҳатхонага) киргунига қадар қўллаш мумкинлиги нормасидан кенглиги, бунда умумий тартибда барча суд босқичларида медиацияни қўлланилишини тушуниш мумкин.

Германияда медиация институти медиация тўғрисидаги қонун ҳужжати Mediationsgesetz³ билан тартибга солинган бўлиб, унга кўра иқтисодий низоларни медиация тартибіда ҳал этиш икки турда амалга оширилади. Биринчиси, иқтисодий низоларни ҳал этишда судга қадар медиация бўлса, иккинчиси низоларни судда кўриш босқичидаги суд медиацияси ҳисобланади.

Германияда иқтисодий низолар Германия Федерациясининг Фуқаролик процессуал кодекси⁴ қоидалари асосида фуқаролик судлари томонидан кўриб чиқилади. Мазкур кодекснинг 278^a-моддасида низоларни тўғри ҳал қилиш учун суд томонларга низони суд

² Ш.М. Масадиков. “Проблемы правового регулирования медиации”. Ташкент – 2014. С. 75.

³ <https://www.gesetze-im-internet.de/mediationsg/BJNR157710012.html>.

⁴ https://www.gesetze-im-internet.de/englisch_zpo/englisch_zpo.html.

медиацияси тартибда ёки низони ҳал қилишнинг бошқа муқобил усулларида ҳал қилишни таклиф қиласди. Агар тарафлар рози бўлса, суд иш юритишни тўхтатиб ишни медиацияга йўналтиради.⁵ Германия қонунчилигига кўра, иқтисодий низони судда кўришда ишни медиацияга йўналтириш учун албатта низодаги тарафларнинг розилиги талаб қилинади. Бу розилик улар томонидан аризада кўрсатилган бўлиши мумкин ёки суд томонидан низони ҳал қилиш учун суд медиациясини қўллаш таклиф қилинганда уларнинг розилиги олиниб суд мажлиси баённомасига киритилади.

Иқтисодий низоларни биринчи инстанцияда кўришнинг исталган босқичида суд медиациясини қўллаши мумкин. Германия қонунчилигига кўра низолашаётган тарафлар низони ҳал қилиш учун суд медиациясини қўллашни қабул қилиш билан бир вақтда, агар лозим топса, суддан ташқари медиацияга ҳам мурожаат қилишлари мумкин.

Иқтисодий низоларни ҳал қилишда медиацияни қўллаш бўйича Германия қонунчилигининг эътиборли жиҳати шундаки, суд иқтисодий низони ҳал қилиш учун ишни суд медиациясига юборганда, бу жараённи муайян вақт чегараси билан чегараламайди.

Бундай қоидаларнинг белгиланишига сабаб немис олимлари ва медиация билан шуғулланувчилар ўртасидаги баҳслар бўлган. Германияда медиация тўғрисидаги қонун қабул қилингунига қадар медиация фаолияти билан факат судьялар шуғулланган. Мазкур ҳолат немис мутахассисларининг таъбири билан айтганда медиация ҳисобланмайди. Чунки судья томонидан қарийб икки соат ичида ва битта мажлисда ўтказиладиган таомил медиация бўлиши мумкинмас. Низолашаётган тарафлар ўртасида қисқа муддат ичида эришилган яраштирув доим ҳам тарафларнинг манфаатига хизмат қилавермайди. Шу боис ҳам иқтисодий низоларни ҳал қилишда суд медиациясини қўллаш учун қонунчилиқда муддат белгиланмаган. Шунинг учун ҳам Германияда медиация бир неча йилларгача чўзилиши мумкин.

Миллий қонунчилигимизда эса медиация келишуви муддати Германияга қонунчилигидан бирмунча фарқланади. Ўзбекистон Республикасининг “Медиация тўғрисида”ти Қонуннинг 23-моддасига кўра, “Медиация тартиб-таомилини амалга ошириш муддати медиация тартиб-таомилини амалга ошириш тўғрисидаги келишувда белгиланади. Бунда медиатор ва тарафлар медиация тартиб-таомили ўттиз кундан ортиқ бўлмаган муддатда тугалланиши учун барча мумкин бўлган чораларни кўриши керак. Зарур бўлган тақдирда, медиация тартиб-таомилини амалга ошириш муддати тарафларнинг ўзаро розилиги билан ўттиз кунгача узайтирилиши мумкин”.

Шунингдек, Германия Фуқаролик процессуал кодексининг иқтисодий низоларни ҳал қилишда медиацияни қўллаш тўғрисидаги қуйидаги икки нормасини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим.

Иқтисодий низоларни кўриб чиқишда судьяни рад этиш асосларидан бири судья мазкур низони медиация тартибда ёки низоларни ҳал қилишнинг бошқа муқобил усулларида иштирок этганлигидир.⁶

⁵ https://www.gesetze-im-internet.de/englisch_zpo/englisch_zpo.html.

⁶ https://www.gesetze-im-internet.de/englisch_zpo/englisch_zpo.html.

Германия Фуқаролик процессуал кодексининг 253-моддасида ариза мазмунига кўйилган талаблар мавжуд бўлиб, унга кўра судларга тақдим қилинган даъво аризаларида мазкур даъводаги низони ҳал қилиш учун медиацияга ёхуд низоларни ҳал қилишнинг суддан ташқари муқобил усулларига мурожаат қилингандиги ёхуд низоларни ҳал қилишнинг муқобил усулларидан фойдаланишга қандай тўсқинликлар бўлганлиги тўғрисида маълумотлар келтирилиши белгиланган.

Германия қонунчилигининг мазкур нормалари миллий қонунчилигимизда мавжуд эмас.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мажбурий судгача медиация ўтказиш тартиби назарда тутилмаган. Бундай қоидалар АҚШ, Европа ва МДҲ баъзи давлатларининг қонунчилигига акс этган.

АҚШ қонунчилигига кўра, тадбиркорларнинг “кичик” низолари, тўловга қобилиятсизлик ҳақидаги ишлар, корпоратив низолар, ипотека тўғрисидаги низолар, жисмоний ва (ёки) юридик шахслар ўртасидаги ер низолари (турли штатларнинг қонунчилигига мажбурий медиация ўтказилиши лозим бўлган ишлар тоифаси фарқланади) бўйича медиация тартиб-таомилларини ўтказиш лозим. Шу билан бирга, ҳар бир тараф медиация процедурасини ўтказишдан воз кечиш ҳуқуқига эга.

Шунингдек, медиация федерал идораларнинг табиий ресурслар бўйича низолари, хусусан энергетика⁷ ва сув⁸ низоларида кенг қўлланилмоқда.

Буюк Британияда ҳам 87 фоиз иқтисодий низолар судгача тартибда ҳал қилинади. Тижорат ишлари, шу жумладан патент низолари, товар белгилари ҳақидаги низолар, “кичик” даъволар ва корпоратив низолар бўйича суд иш юритиши бошланиши билан суд тарафларга медиация ўтказишни таклиф қилишга мажбур.

Бунда тарафлар медиация ўтказишдан воз кечиш ҳуқуқига эга, бироқ қоида тариқасида, медиация ўтказишдан воз кечилмайди ва низоларнинг кўпчилиги медиация тартибда, жумладан электрон алоқа воситалари орқали ўтказилган медиация жараёнида ҳал этилади. Агар тараф суд томонидан таклиф этилган медиация ўтказилишидан воз кечса, иш бўйича ҳал қилув қарори унинг фойдасига чиқарилса ҳам (низода ютиб чиқса) барча суд харажатлари унинг зиммасига юклатилади. Бундай тартибни белгилаш орқали қонун чиқарувчи медиация тартиб-таомилидан фойдаланган тарафни рағбатлантиради.

Германияда 2000 йил 1 январдан бошлаб, кичик миқдордаги даъволар бўйича низони муқобил ҳал этиш босқичи мажбурий эканлигини белгиловчи норма кучга кирган. Қолган ҳолатларда яраштирув тартиб-таомиллари мажбурий эмас ва ихтиёрийлик асосида қўлланилиши мумкин.

Италияда 2003 йил 17 январда қабул қилинган қонунга асосан молиявий ва корпоратив низолар бўйича воситачилик (медиация) тартибидан ўтиш мажбурий ҳисобланади.

Шунингдек, тарафлар ўртасида тузилган шартнома ёки корпорациянинг ички хужжатларида воситачилик (медиация) тартиби мажбурийлиги белгиланган ҳолатларда,

⁷ Administrative Dispute Resolution Act. 5 U.S.C.A. s 571 et seq. (1996).

⁸ Baker P. “ADR Assists Energy Industry Restructuring” (1999) 54 Dispute Resolution Journal 8.

тарафлар ушбу тартибни ўтказмагунча суд низони кўриб чиқишга ҳақли эмас. Воситачиликни ўтказиши жараёнида тузилган барча битим ва хужжатлар ҳар қандай солик ва йигим тўланишидан озод этилади. Воситачилик (медиация) ўтказилиши жараёнида ҳозир бўлмаслик ва инсофисизлик билан амалга оширилган ҳаракатлар суд харажатларини тақсимлашда эътиборга олинади.

Озарбайжоннинг “Медиация тўғрисида”ги Қонуни З-моддаси 3.2-банди⁹га асосан иқтисодий низолар, оилавий ва меҳнат муносабатларидан вужудга келган низоларда судга мурожаат қилишдан олдин дастлабки медиация мажлисида тарафларнинг иштироки шартлиги белгиланган.

Судга мурожаат қилишда даъвогар медиацияда иштирок этганлигини тасдиқловчи хужжатни тақдим қиласа суд даъво аризани қайтаришга ҳақли. Тарафларни рағбатлантириш учун конунда суд харажатларидан озод этиш, баъзи ҳолатларда давлат божини қайтариш назарда тутилган.

Қозоғистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг (иқтисодий ишларни кўриши ҳам тартибга солади) 24-моддаси¹⁰га асосан судга тааллуқли низо тарафларнинг ёзма келишувига кўра медиация тартибида, партисипатив тартиб-таомиллар асосида ҳал қилиниши ёки мазмунан кўриш учун арбитражга, “Астана” Халқаро молия марказининг судига юборилиши мумкин.

Қозоғистон Республикаси Олий суди раисининг 2017 йил 27 январдаги 6001-1-17-сонли фармойиши билан тасдиқланган Низомга кўра, бола манфаатлари билан боғлик, жумладан алимент ундириш ҳақидаги низолар, меҳнат низолари, мерос низолари, ер участкаси чегарасини белгилаш (ўзгартириш) ҳақидаги, тураг-жой, нотурар бинодан кўчириш, кўп қаватли турар жойни бошқариш, никоҳдан ажратиш ва эр-хотиннинг молмулкини бўлиш, қарз шартномасидан келиб чиқадиган, шунингдек суғурта муносабатларидан келиб чиқадиган низолар бўйича медиация ўтказилиши шарт (эксперимент-тажриба сифатида) деб қайд этилган.

Медиация жараёнида нафақат тарафлар, балки учинчи шахслар ҳам иштирок этишга ҳақли.

Грузияда суд медиацияси (судга даъво ариза берилганидан сўнг судья томонидан низони кўриб чиқиш учун медиаторга юбориш ҳолати, тартиби Фуқаролик процессуал кодексида белгиланган), **хусусий медиация** (тарафларнинг келишувига кўра, судга мурожаат қиласдан медиаторга мурожаат қилинганда, “Медиация тўғрисида”ги қонун билан тартибга солинади), **нотариал медиация** (тарафларнинг келишувига кўра нотариус томонидан ўтказилган медиация, “Нотариат тўғрисида”ги қонун билан тартибга солинган) каби яраттирув тартиб-таомиллар мавжуд.

Медиация туридан қатъий назар медиатив келишув мажбурий ижро этилиши лозим бўлган хужжат ҳисобланади (“Медиация тўғрисида”ги қонуннинг 2 ва 13-моддалари).

Россия Федерациясининг “Воситачи иштирокида низоларни муқобил тартибда ҳал этиш таомили (медиация) тўғрисида”ги Федерал қонуни ва Арбитраж процессуал

⁹ https://base.spinform.ru/show_doc.fwx?rgn=122426

¹⁰ <https://adilet.zan.kz/rus/docs/K1500000377>

кодексида медиация тартиби, мажбурий бўлган низо тоифалари келтирилмаган. Шу билан бирга Россия Федерацияси Арбитраж процессуал кодексининг 138.3-моддаси¹¹да Федерал қонунларда ёки шартномада назарда тутилган ҳолатларда, воситачи иштирокидаги музокаралар мажбурий эканлиги кўрсатилган.

Мамлакатимизда кўп ҳолларда медиатив келишувни ижро этишда муаммолар келиб чиқиши, тарафлар медиатив келишувни тузса-да, келгусида уни ижро этиш масаласи очиқ қолганлиги сабабли низолашаётган тарафлар медиатив келишув тузишни исташмайди. Шу боисдан, медиация соҳасини кенгайтириш ва такомиллаштириш мақсадида медиатив келишувни ҳам ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори каби мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериладиган ҳолатлар доирасига киритиш мақсадга мувофиқ. Ҳакамлик суди ёки нотариуслар томонидан тасдиқланган хужжатларни мажбурий ижро этиш имконияти каби медиаторлар томонидан тасдиқланган хужжатлар ҳам мажбурий юридик кучга эга бўлиши унинг аҳамиятини оширади. Бундан ташқари, республикамида медиация қўлланган ҳолда ҳал этилган ишлар сонини кўпайтиради.

Медиатив келишувни суд орқали ёки суд ижро варақасини бериш орқали мажбурий ижро қилиш механизми **Белоруссия** (“Медиация тўғрисида”ги қонуни 15-моддаси), **Молдова** (“Медиация тўғрисида”ги қонуни 33-моддаси), **Грузия** (“Медиация тўғрисида”ги қонуни 13-моддаси) **Хитой** (“Халқ медиацияси тўғрисида”ги қонуни 31-моддаси) каби давлатлар қонунчилигига белгиланган.

Бундан ташқари, миллий қонунчилигимизда судья томонидан иқтисодий низони суд муҳокамасига тайёрлаш жараёнида тарафларга низони медиатив келишув тузиш орқали ҳал этишни таклиф этиш ва унинг хуқуқий оқибатларини тушунтириш каби қоидалар белгиланмаган.

Амалиётда суд мажлиси бошланиш чоғида тарафларнинг келишиш эҳтимоли аниқланмасдан суд мажлисини бошлаб юбориш ҳолатлари кўплаб учрамоқда. Натижада келишувга эришиши мумкин бўлган низолар ҳам суд тартибида кўриб чиқилмоқда.

Шу муносабат билан, судгача мажлис ўtkазиш чоғида судьялар тарафлардан низони муқобил ҳал этиш институтларига мурожаат қилиш бўйича мажбурият олиши ва уларнинг хуқуқий оқибатлари бўйича тушунтириш бериши юқоридаги каби ҳолатларнинг олдини олади.

Мазкур тартиб **Италия** давлатининг қонунчилигига ўз аксини топган.

Юқоридагилардан холоса қиласидиган бўлсак, иқтисодий низоларни медиация тартибида ҳал этишда хорижий давлатлар қонунчилигига назарда тутилган айrim нормаларни миллий қонунчилигимизда акс эттириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Бунинг натижасида медиация институтини янада такомиллаштириш, иқтисодий низоларни медиация тартибида ҳал этишни кенгайтириш, судларда иш ҳажмини камайтириш, энг муҳими тадбиркорларнинг ортиқча маблағи ва вақти сарфланишининг олдини олишга эришилади.

¹¹ https://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_37800/7b99ee74765cbc1bd1ff0ae23771f59698b643cf/

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича харакатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони;
2. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси;
3. Ўзбекистон Республикасининг “Медиация тўғрисида”ги Қонуни;
4. Ўзбекистон Республикасининг “Суд хужжатлари ва бошқа органлар хужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонуни;
5. Mediationsgesetz. Германия Федератцияси Адлия вазирлигининг расмий сайтидан олинган // <https://www.gesetze-im-internet.de/mediationsg/BJNR157710012.html>;
6. Code of Civil Procedure of Germany Section 4 /8 // Übersetzung durch Samson-Übersetzungen GmbH, Dr. Carmen von Schöning. Translation provided by Samson-Übersetzungen GmbH, Dr. Carmen von Schöning;
7. Administrative Dispute Resolution Act. 5 U.S.A. s 571 et seq. (1996).
8. Арбитражный процессуальный кодекс Российской Федерации;
9. Гражданский процессуальный Кодекс Республики Казахстан;
10. Закон Республики Азербайджан “О медиации”;
11. Закон Республики Казахстан “О медиации”;
12. Закон Республики Молдова “О медиации”;
13. Закон Республики Беларусь “О медиации”;
14. Закон КХР “О народной медиации”;
15. Закон «О нотариат» Грузии;
16. Ш.М. Масадиков. “Ўзбекистон Республикасининг “Медиация тўғрисида”ги Қонунига шарҳ”. Тошкент – 2023;
17. Ш. Масадиков “Проблемы правового регулирования медиации” Монография. Ташкент: ТГЮУ, 2014;
18. Baker P. “ADR Assists Energy Industry Restructuring” (1999) 54 Dispute Resolution Journal;
19. Калашникова Светлана Игоревна. Медиация в сфере гражданской юрисдикции. 2010, Екатеринбург;
20. <https://lex.uz/>;
21. <https://sud.uz/>.